

ОНА ТИЛИ ФАНИДАН НОАНЪАНАВИЙ ДАРСЛАР ЖОРИЙ ЭТИШ

Тўйчиева З.Х. ГулДУ

Биз болани ижодкорликка, мустақил фикрлашга ўргатмас эканмиз, мустақил Ўзбекистоннинг «ўзига хос, ўзига мос» йўлдан боришига сабаб бўладиган, миллий урф-одатларимиз ва миллий кадриятларимиз руҳида тарбияланаётган ёшларимизга тўғри таълим-тарбия бера олмаймиз. Бу нарсаларни энг аввало, ҳар бир педагогнинг иш режасида, дастурларида ўз аксини топиши лозим.

Она тили дарслари олдида қўйиладиган вазифалар ва уларни амалга ошириш йўллари, ҳар қандай муаммал дастур асосида яратилган такомиллашган дарслик, самарадор усуллар билан ўқувчилар онгига сингдирилгандагина кутилган натижа бериши мумкин. Ҳозирги замон талаби даражасида дарс ўтиш учун ўқитувчиларга қуйидаги омиллар асос бўлмоғи лозим.

1. Дидактика ва тарбия назарияси билан пухта қуrollаниш;
2. Инновацион технологиялардан фойдаланиш;
3. Ўз фани бўйича янгиликлардан бохабар бўлиш;
4. Дарс ўтишнинг ноанъанавий усуллари амалиётда қўллаш;
5. Ўқувчиларнинг билими, малакаси ва кўникмаларига мос тарзда таълим мазмунини янгилаш;
6. Ўқитишда компьютерларни жорий этиш;
7. Нутқий жиҳатдан баркамол бўлиш, ишонтириш, исботлаш, малакаларини эгаллаш.

Она тили дарсларида муаммоли вазият яратишнинг усуллари хилма-хилдир. Биз илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари ва шахсий тажрибаларимизга асосланиб, она тилидан муаммоли вазият яратишнинг қуйидаги усуллари тавсия қиламиз:

1. Тилга оид далилларни таҳлил қилиш асосида муаммоли вазият яратиш.
2. Тил материалларини синтез қилиш асосида ҳам муаммоли вазият яратиш мумкин.
3. Тил фактларини қарама-қарши қўйиш ва таққослаш орқали муаммоли вазият яратиш.
4. Инновацион технологиялардан фойдаланиб, муаммоли вазият яратиш.
5. Тил материалларига айрим ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш орқали муаммоли вазият яратиш.
6. Тилларни таққослаш йўли билан ҳам муаммоли вазият яратса бўлади.

Муаммоли вазият яратишда тил материалининг мураккаблик даражасини ҳисобга олиш ниҳоятда зарур. Чунки ўқитувчи тил материалининг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, муаммоли вазият яратишнинг усулини танлайди.

Инновацион технологиялардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширувчи воситадир. Бу таълим талабаларнинг билимларини мустақил эгаллашга ундовчи ўқитишнинг муаммоли услубидир. Таълимнинг ушбу турига мувофиқ талабалар билан мунозаралар, дидактик ўйинлар махсус ижодий топшириқлар ўтқазилади.

Янги педагогик технологияларга мувофиқ талаба она тили материалларини тайёр ҳолда ўзлаштирмай, уни излаши, ижодий фаолият кўрсатиши зарур.

Юртбошимиз «Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қолдириши лозим» деб айтган гаплари таълим-тарбия жараёни учун жуда муҳимдир. Президентимиз ана шу юксак ва улуғвор вазифани муваффақиятли ҳал этишда халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш Ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.